

Малик тогам Фреснодан Ний-Йоркка жўнаётганида уни кузатиш учун кўналгага келган амакиси — Гарри бобо насиҳат кила бошлади:

— Кулок сол, Малик,— деди кария,— поездга чиккач, аввало, яхширок жой танлаб ўтири, атрофга аланглама.

— Хўп,— деди тогам.

— Поезд кўзгалгач, йўлакда формали икки киши пайдо бўлади ва чипта сўрайди. Уларга парво килма. Улар — киссавурлар.

— Кандай танийман?—деб сўради тогам.

— Танийсан,— деди кария.— Нима, ёш боламидинг.

— Хўп, амаки.

— Йигирма миллар йўл юргач, ёш йигит келиб, сенга сигарет таклиф килади. Унга, чекмайман, дегин. Сигаретга наша солинган бўлади.

— Хўп, амаки.

Ресторанли вагонга брраётганингда жуда хушрўй ёш жувон олдингдан чикади ва сени кучоклади. У сендан чин дилдан узр сўради. Табиийки, калбингда у билан гаплашиш истаги жўш уради. Лекин нафсингни тий, ресторанда ёлгиз овкатлан. Аёл бузуки бўлиши мумкин.

— Ким?— деди тушунмай тогам.

— Ким бўларди, суюкоёк!..— дея кичкирди ка-рия.— Бор-да, овкатлан. Энг яхши овкатдан талаб кил. Агар ресторанда одам кўп бўлса, сенинг столингга ёш жувон келиб ўтиrsa, унинг кўзларига карама. У гап кўшса ўзингни карликка сол.

— Хўп, амаки.

— Карликка сол! Тангликдан чикишнинг ягона йўли шу.

— Кандай тангликдан?— деб сўради тогам.

— Танглик — бу даҳшатли холат,— деди кария.— Бошимдан ўтган. Бошидан ўтганнинг кошидан ўт, деган-ку, машойихлар.

— Хўп,— деди тогам.

— Баракалло, шундай кил. Хў-ўш,— деди кария,— ресторандан кайтаётганингда сен киморбозларга дуч келасан — карта ўйинининг устидан чикасан. Учта ўрта яшар киморбоз давра куриб ўтирган бўлади. Улар сени имлаб, ўйинга таклиф этади. Уларга: «Картани билмайман», деб айт.

— Хўп.

— Яна бир гап. Кечаси ётганингда хамёнингдан пулингни олда, туфлингга сол.

Туфлингни ёстигининг тагига кўй. Тун бўйи ёстиқдан бошингни кўтарма, ухлама.

— Майли, амаки,— деди тогам.

— Хайр бўлмаса,— деди кария,— яхши бор! Кария кетди. Малик тогам поездда Ний-Йоркка жўнади.

Формали икки киши киссавур эмас экан. Наша солинган сигарет чекишни хеч ким таклиф килмади, чиройли жувон унинг столида ўтирмади, картабозлик хам бўлмади.

Тогам пулини туфлисига солди, туфлисини ёстигининг тагига яширди, бошини ёстикка кўйди ва биринчи кеча мижжа кокмади, лекин иккинчи кеча амакисининг чизган чизигидан чиқди... У кандайдир ёш йигитга сигарет таклиф килди. Ресторанда ёш хоним билан бир столда овкатланди. У картабозлик ташкил этди. Поезд Ний-Йоркка якинлашганида тогам, кашанда йигит ва икки ёш хоним амрикоча кўшикларни биргаликда

куй-лашарди...

Саёхат жуда марокли ўтди.

Малик тогам Ний-Йорқдан кайтиб келгач, унинг амакиси — Гарри бобо яна ташриф буюрди.

— Зиёратингиз кабул бўлсин!—деди у хурсанд бўлиб.

— Калай, жиян, бизнинг насиҳатлар сафарда аскотдими?

— Бўлмасам-чи,— деди тогам.

— Насиҳатимнинг сенга фойдаси текканидан хурсандман,— деди чол оғзи кулогида.

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси